



The background of the poster features a collage of images. At the top, there's a photo of three young adults (two women and one man) sitting together, looking at a laptop. Below them is a large, colorful graphic of an open book with geometric patterns. In the lower half, there's a photograph of a modern, multi-story glass and steel building, possibly a library or lecture hall, illuminated from within at night. The overall composition uses red, orange, and purple diagonal stripes to separate different sections of the collage.

PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS INTERNATIONAL CONFERENCE

2022
15 JANUARY

ISBN 978-955-3605-86-4

© Sp. z o. o. "CAN", 2021

© Authors, 2021

PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS: a collection scientific works of the International scientific conference (15 January, 2022) - Copenhagen:2022. ISSUE 9 – 231 p.

Editorial board:

Tone Roald, PhD Associate Professor of Psychology University of Copenhagen

Elin Eriksen Ødegaard, Professor, Western Norway University of Applied Sciences

Mariane Hedegaard, Professor Emerita, Copenhagen University, Denmark

Magnus Englander, PhD Associate Professor of Psychology Malmo University, Sweden

Paul Sullivan, PhD University of Bradford Bradford, United Kingdom

Mathias Traczykøren, PhD

Thiesen Amanda, PhD

Nybroe Rohde, PhD

Languages of publication: dansk, English, русский, беларуская, limba română, uzbek,

The compilation consists of scientific researches of scientists, post-graduate students and students who participated International Scientific Conference "PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS". Which took place in COPENHAGEN on 15-January, 2022.

Konferencehandlinger anbefales til videnskabsmænd og lærere i højere læreanstalter. De kan bruges i uddannelse, herunder undervisning i postgraduate studier, forberedelse til opnåelse af bachelor- og kandidatgrad. Gennemgangen af alle artikler blev udført af eksperter, materialer er i henhold til forfattere copyright. Forfatterne er ansvarlige for indhold, undersøger resultater og fejl.



CAN
Conference Alerts
NETWORK

PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS

VOLUME 1 , ISSUE 9
January 2022

Collection of Scientific Works

Copenhagen "Science Edition" 15 January 2022

METODLARDAN FOYDALANIB DARSLARNI TASHKIL ETISHNING SAMARALARI.	
IMOMNAZAROVA O'G'ILOY FOZILOVNA	147
TOSHBOYEV INOYATILLO NISHONBOYEVICH	
UMUM TA'LIM MAKTABALARIDA METODIK ISHLARNI TASHKIL ETISH VA BOSHQARISH	
SH.A.URINOV	151
FIZIKA FANINI O'QITISHDA "CROCODILE PHYSICS" PEDAGOGIK DASTURIY VOSITASIDAN FOYDALANISH USULI	
YULDASHEVA RAYXON ISHMO'MINOVNA	154
AMINOVA SHOXIDA YULDOSHEVNA	
NUTQ TURLARI VA SHAKLLARI	
YULDASHEVA FERUZA QOCHQAROVNA	157
BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'QITISHNING O'QUVCHI SHAXSIGA YO'NALTIRILGAN TEKNOLOGIYASI	
NIYOZMETOVA ZEBO REJABBAYEVNA	160
PROBLEMS OF DIGITIZATION OF MATHEMATICS IN EDUCATIONAL SYSTEM, SOLUTIONS AND PROSPECTS	
УМИРОВ ФАРХОД ЭРГАШЕВИЧ,	165
РАЖАББОЕВ АБДУЛАЗИЗ ИЛХОМ УГЛИ	
КИМЁ САНОАТИНИНГ ИККИЛАМЧИ МАҲСУЛОТИ НАТРИЙ ГИПОХЛОРИТИ ВА МАГНИЙ ХЛОРИДИ АСОСИДА МАГНИЙ ХЛОРАТ ДЕФОЛИАНТ ОЛИШ	
ЖАРЫЛКАСЫНОВА ГУЛЬНАЗ ХОДЖАБАЕВНА	169
СОДЕРЖАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВОЕННЫХ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ	
НАРЗУЛЛАЕВ УЛУҒБЕК ДИЛШОД ЎГЛИ	173
ПУЛАТОВ ДИЛШОД ХАКБЕРДИЕВИЧ	
ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҶСАДЛАРИ ДОИРАСИДА "ЯШИЛ" ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШДА НАТИЖАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	
MADATOV BOBUR ABDURAXMONOVICH	181
"GUJUMSOY" KONI ISTIQBOLI	
ШАРАФИДДИНОВА НОДИРА ХУРСАНДОВНА	184
ҚИСҚАРТМАЛарНИНГ РИТМ ЯРАТИШДАГИ ЎРНИ	
АМОНОВА НАФИСА	188
ЗАГАДКИ И ИХ ЗНАЧЕНИЕ В ИЗУЧЕНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА	
РАХМАТОВА ПАРИЗОДА	193
РАЗВИТИЕ РЕЧИ В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ: ЧТЕНИЕ, ПИСЬМО, СЛУШАНИЕ И ГОВОРЕНIE.	
КАБУЛОВА МЕХРИБАН ТОЛЫБАЕВНА	197
КАБУЛОВА МИЯСАР ТОЛЫБАЕВНА	
РАЗВИТИЕ УСТНОЙ КУЛЬТУРЫ УЧАЩИЕСЯ НА УРОКАХ ЛИТЕРАТУРЫ	
СЕВИНЧ АБДУЛЛАЕВА АХМЕДОВНА	202
ЭФФЕКТИВНЫЕ МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ РЕЧЕВОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧАЩИХСЯ В РУССКОЯЗЫЧНЫХ ШКОЛАХ	
СОДИКОВА УМИДА БАХТИЕРОВНА	205
АТАХАНОВА ДИЛРАБО КАДАМБАЕВНА	
ЖАЛИЛОВА ХУЛКАР ЮСУФОВНА	
ТАЪЛИМГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ: SMART EDUCATION ТАЪЛИМ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	
ХОЛБЕКОВА ШАХНОЗА ШУХРАТБЕК КИЗИ	210
ПРИМЕНЕНИЕ PISA НА УРОКАХ ГЕОГРАФИИ.	
ТҮХТАШЕВ ҲИКМАТИЛЛА ИСМАТИЛЛАЕВИЧ	214
АТРОФ МУҲИТ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	

Тўхташев Ҳикматилла Исматиллаевич

Тошкент давлат юридик университети

Экология ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

АТРОФ МУҲИГ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик экологик назоратининг тушунчаси, мазмун моҳияти, объектлари ва субъектларининг ҳуқуқий ҳолати ҳамда уни олиб бориш тартиби норматив ҳужжатлар ва илмий назарий қараашлар асосида таҳлил қилиб ёритилган. Шунингдек, жамоатчилик экологик назоратини олиб боришада халқаро ҳужжатлар ва уларнинг давлат органлари ва ҳокимиятининг очиқлигини таъминлашдаги аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: Экологик назорат, жамоатчилик назорати, жамоатчилик назорати обьекти, жамоатчилик назорати субъекти, экологик экспертиза.

Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги Конуни норма ва талабларини рўёбга чиқариш самарадорлиги фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришга, жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-мухитни муҳофаза қилиш тизимида ва экологик муаммоларни ҳал этиш жараёнида иштирок этишларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Жамоатчилик экологик назорати ва уни кўллаш билан боғлиқ маслалар юзасидан дунёning етакчи мамлакатлари, МДХ давлатларининг мазкур соҳадаги конунчилик ҳужжатларини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, ушбу мамлакатларда қабул қилинган қонунлар экологиянинг кўплаб жабҳаларини қамраб олиб, атроф-мухитни муҳофаза қилишнинг барча бошқарув тизимлари фаолиятини ва жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлашга хизмат қиласди. Ҳозирда иқтисодий ривожланган давлатлар ҳисобланган АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларнинг тараккий этиши, уларда атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликнинг такомиллашувида экология йўналишидаги жамоатчилик ҳаракатларининг хизмати катта бўлган.

Польша, Венгрия, Словакия, Чехия каби Марказий ва Шарқий Европадаги давлатларда ҳам атроф-мухит муҳофазасига оид қонунчилик яхши ривожланган. Баъзи мамлакатлар – масалан, Малайзия, Янги Зеландия, Филиппинда эса атроф-мухит муҳофазаси бўйича қонунлар мажмуи, яъни экологик кодекслар қабул қилинган бўлиб, уларда атроф-мухит муҳофазасини хар томонлама мувофиқлаштиришда жамоатчиликнинг иштироқи назарда

тутилган[1]. Жамоатчилик экологик назоратини ўтказиш ва уни амалга ошириш миллий қонунчилигимизда хам ривожланиб бормоқда.

Жамоатчилик экологик назорати “Экологик назорат түғрисида”ги қонуннинг 20-моддаси 4, 5-қисмiga кўра қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

- атроф мухит ҳолатини ва унинг хўжалик фаолияти хамда бошқа фаолият таъсири остидаги ўзгаришларини, атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилишини, давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишини кузатиб бориш;
- давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширишда кузатувчи сифатида иштирок этиш;
- тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф мухитни муҳофаза қилиш, худуднинг санитария ҳолати, ободонлаштирилиши хамда кўкаламзорлаштирилиши масалаларига доир ахбороти хамда хисботларини эшлиши;
- жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиш.

Жамоатчилик экологик назорати атроф мухит ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали амалга оширилиши мумкин[2].

Экологик назоратнинг бир тури сифатида жамоатчилик экологик назорати экологик муносабатларни тартибга солишда ва бу соҳадаги фаолият устидан назорат олиб боришда мухим аҳамият касб этади.

Жамоатчилик экологик назорати давлат экологик назоратидан фарқли равища, таавсиявий аҳамиятдаги хулоса беради, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратидан фарқ қилган ҳолда у экологик назорат обьектининг муайян бир қисми билан чекланиб қолмасдан, аксинча, давлат экологик назорати доирасига ҳам, ишлаб чиқариш бўйича экологик назорат соҳасига ҳам тааллукли бўлади.

Бир қатор хукуқшунос олимлар, жумладан, М.Н.Клепиков, В.П.Максименко, С.Разметаев, А.Г.Тарнавский, О.Д.Ўтегеновлар жамоат экологик назорати табиатни муҳофаза қилиш соҳасига жамоатчиликнинг кенг кўламда иштирок этишини таъминлашга қаратилган ижтимоий вазифа сифатида тан олинган.

Юридик адабиётларда жамоат экологик назоратини унинг функцияларининг ҳажми ва моҳиятига боғлик равища қўйидаги гурухларга бўлинган ҳолда ўрганилади:

- биринчидан, махсус жамоат назорати ҳамда табиатни муҳофаза қилиш функцияларини ўзларининг асосий фаолияти билан бирга кўшиб олиб борадиган назорат субъектига;

- иккинчидан, соҳавий назорат ва универсал назорат, яъни турли ҳолдаги табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширадиган ташкилотлар. Бу ташкилотлар махсус давлат органларига ёрдам беришда катта тажрибага эгадирлар[3].

М.М.Бринчук фикрича инсон, унинг хукуқ ва эрки олий қадрият эканлигини хисобга олган ҳолда уларнинг ҳар бирининг мақбул атроф мухитдан фойдаланиш хукуқини амалга ошириш максадида, шунингдек давлат томонидан экологик функциянинг бажарилиши самарадорлиги паст эканлиги сабабли экология хукуқида жамоат экологик назоратининг замонавий концепциясини ишлаб чикиш ва амалга ошириш кескин муаммо сифатида юзага келганлигини кўрсатиб ўтади[4].

О.Х.Нарзуллаев ҳам табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик ривожини ўрганиш асносида бугунги кунда жамоатчиликнинг экологик муаммоларига бўлган кизиқиш ва қайғуриш ортиб бораётганлигини ҳамда улар аҳоли орасида экологик тафаккурни шакллантириш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш борасида давлат муасссалари билан фаол ҳамкорлик қилаётганлигини таъкидлайди[5].

“Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги намунавий низомнинг 6-бандига мувофиқ жамоатчилик экологик назоратининг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун хужожатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш;

атроф мухит ҳолатини кузатиб бориш, атроф мухитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан ноокилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф мухитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги хукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

атроф мухитдаги ўзгаришлар, табиий ресурслардан фойдаланилиши ва кўрилаётган тегишли чора-тадбирлар тўғрисида давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларни ҳамда фуқароларни хабардор қилишда иштирок этиш;

табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлаш[6].

Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш юзасидан ҳалқаро миқёсда асосий норма ва тартибларни белгилаб беришга қаратилган хужжат бу – “Ахборот олиш, қарор қабул қилишда жамоатчилик иштироки ва экологик масалаларда одил судловдан фойдаланиш тўғрисида”ги Орхус Конвенциясидир.

Конвенция 38 та давлат томонидан 1998 йил 25 июн куни Даниянинг Орхус шаҳрида “Европа учун атроф-муҳит” мавзуидаги Европа атроф-муҳит муҳофазасига маъсъул вазирларнинг 4-конферентсияси доирасида имзоланган ва 2001 йил 30 октябр куни кучга кирган. Ҳозирги вақтда 46 та мамлакат ва Европа Иттифоқи, шу жумладан, Ўзбекистондан ташқари, Марказий Осиёнинг деярли барча давлатлари Конвенциянинг иштирокчилари ҳисобланади[7].

Конвенция хукуматларга ҳам маҳаллий, ҳам миллий фуқароларни, ноҳукумат ташкилотларни ва бошқа гурӯхларни янги ишланмаларни лойихалаш ва режалаштиришдан тортиб, икlim ўзгариши билан боғлик муаммоларга қарши курашиб бўйича жамоатчилик маслаҳатларигача ўз мухитини шакллантиришга жалб қилишни осонлаштиради.

Орхус конвенцияси, шунингдек, атроф-муҳит муаммолари бўйича баъзан мураккаб мунозараларда турли хил овозларни эшлишини таъминлайди, одамларга, жамоаларга ва ташвиқот гурӯхларига атроф-муҳитни муҳофаза қилишда иштирок этишга ёрдам беради. Бу сон-саноқсиз ноёб денгиз күшларини оўлдирадиган шамол станциясини қуриш қарорига қарши чиккан ёввойи табиатни муҳофаза қилиш хайрия ташкилотидан тортиб, гигант қурилиш режаларини тўхтатиш учун бирлашган ахоли гурӯхларидан тортиб мактабларгача бўлган бутун жамоагача бўлиши мумкин. Конвенция, шунингдек, Конвенцияда назарда тутилган хуқукларидан фойдаланадиган шахслар жазоланмаслиги, таъқиб қилинмаслиги ёки таъқиб қилинмаслигини таъминлаш орқали хабар берувчилар ва атроф-муҳит фаолларини ҳимоя қиласи[8].

Орхус Конвенцияси қоидаларини миллий қонунчиликда кўллаш ҳамда шу асосда жамоатчилик экологик назоратини олиб бориш конвенцияга қўшилган ҳар бир мамлакатнинг энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, экологик назорат мураккаб тизимдан иборат бўлиб, ушбу худудларда экологик қонунчилик хужжатларини талаб ва қоидаларига оғишмай риоя этилиши ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. И.Соатов. Экологик назорат ва унинг хукукий асослари фуқаролик жамияти институлари фаолиятини оширишга хизмат қилади. Соғлиқни саклаш газетаси. 2013 йил 9 август.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги конуни.// Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон.
3. Утегенов О.Д. Жамоат экологик назоратини хукукий тартибга солиш. Ю.ф.д..дисс. Т.:ТДЮУ, 2020 й.
4. Бринчук М.М. Экологическое право: Учебник. -2-е изд., перераб. И. Доп. -М.: Юристъ, 2018 г.
5. Нарзуллаев О. Экология соҳасидаги конунчиликнинг устуворлигини таъминлаш хусусида. //Экологик конунчиликни кўллаш механизмини такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги илмий амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2007. -Б. 135.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги “Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида” Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.03.2019 й., 09/19/195/2712-сон; 22.11.2019 й., 09/19/937/4054-сон; 19.06.2020 й., 09/20/391/0777-сон, 29.09.2020 й., 09/20/593/1340-сон.
7. <https://www.uznature.uz/uz/site/news?id=2016>.
8. <https://unece-org.translate.goog/stories/protect-your-environment?>